



Nókis q. A.Dosnazarov k. 62 úy, 0 (361) 222-24-37, 222-24-63, faks: 226-52-47  
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: [qoraqalpogiston\\_xtv@xtv.uz](mailto:qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz)

«21» aprel 2021-j.

03-03/02 - 2035 -sanl

Барлык қала(район)лық халық  
билимлендириў бөлимлери  
баслықларына

Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў министрлиги Сизге, Өзбекстан Республикасы Халық билимлендириў министрлигиниң 2021-жыл 22-апрельдеги 25-к/қ-санлы қоспа қарарын басшылыққа алып, орынлаў ушын жиберилмекте.

Қосымша электрон түрде .

Министр орынбасары

Ш.Таджимуратов



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOГЛИКНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI БОШ ПРОКУРАТУРАСИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ СУДИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI БАНДЛИК ВА МЕХНАТ**  
**МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МАХАЛЛА ВА ОИЛАНИ**  
**ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**

Чакалоқ савдосига қарши курашни соҳасида давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлик қилиш ҳамда ўзаро ахборот алмашиш тартибидини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги ПФ-5775-сон “Олам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фермони ҳамда Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси йиғилишининг 9-сонли баённомаси талаблари ижросини таъминлаш, шунингдек чакалоқ савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш ишлари самардорлигини янада ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бош прокуратураси, Олий суди, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги қарор қилади.

1. Чакалоқ савдосига қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлик қилиш ҳамда ўзаро ахборот алмашиш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ички ишлар вазирлиги



Тошкент шаҳри,

2021 йил “12” 04  
844 -сон

Ички ишлар вазирлиги

*Ш. Бобожонов*

Ш. Бобожонов

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Тошкент шаҳри,  
2021 йил “12” 04  
844 -сон

Халқ таълими вазирлиги

Тошкент шаҳри,  
2021 йил “12” 04  
844 -сон

Бош прокурор

Тошкент шаҳри,  
2021 йил “12” 04  
844 -сон

Олий суд раиси

Тошкент шаҳри,  
2021 йил “12” 04  
844 -сон

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги

Тошкент шаҳри,  
2021 йил “12” 04  
844 -сон

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги


Тошкент шаҳри,  
2021 йил “12” 04  
844 -сон



А. Халилбаев



Ш. Шерматов




Н. Иудонов




К. Камиллов



Н. Хусанов



Р. Маматов



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар  
вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ  
таълими вазирлиги, Бош прокуратураси,  
Олий суди, Бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирлиги ва Маҳалла ва оилани қўллаб-

қувватлаш вазирлигининг

2021 йил 12.04.04 даги

Ў.174/ҚС.121/017-сон қарорига

ИЛОВА

#### Чакалоқ савдосига қарши қурашнинг соҳасида давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлик қилиши ҳамда Ўзаро ахборот алмашини

##### ТАРТИБИ

Ушбу Тартиб Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши қурашнинг  
тўғрисида"ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ чакалоқ савдосига қарши  
қурашнинг соҳасида давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлик қилиши  
ҳамда Ўзаро ахборот алмашиш фаолиятини норматив тартибга солишнинг элементи  
ҳисобланади.

##### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Тартибнинг мақсади давлат органлари ва жамоат ташкилотларига  
чакалоқ савдосига оид хабарлар келиб тушганда, улар томонидан зудлик билан ўз ваколати  
доирасида (жиноятнинг сабабларини аниқлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш,  
суриштирув ишлари, тергов-тезкор ҳаракатларини олиб бориш, жабрланган шахсларнинг  
манфаатларини ҳимоя қилиш) ишларни амалга ошириш тартибини белгилаш  
ҳисобланади.

2. Давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги ҳамда Ўзаро ахборот  
алмашинуви чакалоқ савдосига қарши қурашнинг соҳаси билан боғлиқ бўлмаса, мазкур  
Тартиб талаблари таъбиқ этилмайди.

3. Ушбу Тартибда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

чакалоқ—Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари  
тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, вояга етмаган алоҳида гамхўрликка, шунингдек ўз  
ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож, ота-онаси  
(бошқа қонуний вакил)нинг қарамоғига муҳтож бўлган, мустақил равишда ўз  
ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ҳамда ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган  
шахс;

чакалоқ савдосига қарши қурашнинг—чакалоқ савдосининг олдини олишга, уни  
аниқлашга, унга чек қўйишга, унинг оқибатларини камайитишга, чакалоқ савдосидан  
жабрланганларга ёрдам кўрсатишга доир фаолият.

#### 2-боб. Чакалоқ савдосига қарши қурашнинг соҳасида давлат органларининг вазифалари

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги чакалоқ савдосига қарши  
қурашнинг ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан  
ҳамкорликда қуйидагиларни амалга оширади:

чакалоқ савдосига қарши қурашнинг соҳасидаги давлат дастурлари ва норми  
ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда иштирок этади;

чакалоқ савдоси билан боғлиқ жиноятларни феш этиш бўйича тезкор-қидирув  
фаолиятини ташкил этади ҳамда амалга оширади, жиноят ишлари бўйича терговга қалар  
текширув ва дастлабки тергов ўтказилишини замонавий ахборот технологиялар  
тизимларидан фойдаланган ҳолда таъминлайди;

чакалоқ савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиноий  
уюшмаларнинг фаолиятига чек қўйиш бўйича бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза  
қилувчи органлари билан қонунда белгиланган тартибда, ваколати доирасида  
ҳамкорликни амалга оширади;

чакалоқ савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиноий  
уюшмалар ҳақида тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг расмий  
сўровномасига мувофиқ ахборот тақдим этади;

оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли ўртасида чакалоқ савдосига қарши  
қурашнинг бўйича тушунириш-профилактика ишларини амалга оширади;

чакалоқ савдосига қарши қурашнинг фаолиятини амалга оширувчи ва унда  
иштирок этувчи давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади;  
давлат органлари ва жамоат ташкилотларидан чакалоқ савдосига оид олинган  
маълумотларни зудлик билан ўрганиб чиқади ва улар билан ҳамкорликда ҳолатга  
ойдинлик киритади;

чакалоқ савдосига қарши қурашнинг соҳасидаги давлат дастурлари ва норматив-  
"Аёшлар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган хотин-қизларни секторлар кесимида  
ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги чакалоқ савдосига  
қарши қурашнинг ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва жамоат ташкилотлари  
билан ҳамкорликда қуйидагиларни амалга оширади:

чакалоқ савдосига қарши қурашнинг соҳасидаги давлат дастурлари ва норматив-  
ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда иштирок этади;

чакалоқ савдосига қарши қурашнинг соҳасида жабрланганларнинг шахсини  
аниқлаш бўйича маълумотлар алмашишда иштирок этади;

электрон тутилиш ва Улимни қайд этишнинг доимий мониторингини олиб боради;  
чакалоқ савдосига қарши қурашнинг соҳасида фаолиятини амалга оширувчи ва унда  
иштирок этувчи давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги чакалоқ савдосига қарши  
қурашнинг ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан  
биргаликда қуйидагиларни амалга оширади:

чакалоқ савдосига қарши қурашнинг соҳасидаги давлат дастурлари ва норматив-  
ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда иштирок этади;

ваколатли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблар, республика қиз болалар таълим-тарбия муассасаларида ўқиб-қизилар ўртасида ҳар чоракда чақалоқ савдосига қарши курашни, олдини олиш ва унинг салбий ҳамда ҳуқуқий оқибатлари ҳақида давра суҳбатлари ташкил этиб боради;

чақалоқ савдоси қурбони бўлган болалар манфаатидан қелиб чиқиб, уларни қариндошларига қайтариш ёки болалар уйларига жойлаштириш чораларини кўради; боласини сотмоқчи бўлган оналарни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича судларга таклиф қилинади;

чақалоқ савдосига қарши курашиш фаолиятини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади;

чақалоқ савдосига қарши курашиш фаолиятини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек "Республика Болаларни ижтимоий мослаштириш маркази" билан бирга, оғир ижтимоий ҳолатга тушган ва фарзандини сотиш хавфи бўлган аёллар билан профилактик тадбирлар ўтказилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси чақалоқ савдосига қарши курашишда ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қўйидагиларни амалга оширади:

чақалоқ савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда иштирок этади;

чақалоқ савдоси билан боғлиқ терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ҳаракатлари устидан назорат олиб боради;

чақалоқ савдоси билан боғлиқ жиноятлар юзасидан ўтказиладиган терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ҳаракатлари ҳамда ушбу жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этиш чоралари кўрилиши устидан назоратни амалга оширади;

чақалоқ савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасидаги тарғибот ишларида иштирок этади;

чақалоқ савдосига қарши курашиш фаолиятини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди чақалоқ савдосига қарши курашишда ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан бирга қўйидагиларни амалга оширади:

чақалоқ савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда иштирок этади;

чақалоқ савдосига қарши курашиш соҳасида миллий қонунчилик талабларидан қелиб чиққан ҳолда ушбу билан боғлиқ жиноят ишларини кўриш бўйича жавобгарлик муқаррарлиги принципини таъминлайди;

чақалоқ савдоси билан боғлиқ жамоатчилик эътиборига тушган жиноят ишлари бўйича брифинглар ўтказилади;

чақалоқ савдоси билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича жиноятнинг қелиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитлари юзасидан тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари мансабдор шахсларига нисбатан хусусий ажрим чиқарди ва йўл қўйилган ҳаго ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш мажбуриятини юклайди;

муассаса ҳамда ташкилот ва идоралар ҳодимлар иштирокида чақалоқ савдоси билан боғлиқ жиноят ҳолатлари содир этилганда, айбдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш масаласини кўради;

чақалоқ савдоси билан боғлиқ жиноят ишларини сайёр судларда ўтказиш масаласини кўриб чиқади;

чақалоқ савдосига қарши курашиш фаолиятини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги чақалоқ савдосига қарши курашишда ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан бирга қўйидагиларни амалга оширади:

маҳаллаларда аҳоли ўртасида, таълим муассасаларида ёш қизлар ўртасида, шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши билан ёшлар ўртасида чақалоқ савдосининг салбий оқибатлари мавзусида давра суҳбатлар, тадбирлар ва семинарлар ҳамда маънавий-маърифий тарғиботлар ўтказилади;

"Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази билан республикада чақалоқ савдоси бўйича илмий тадқиқотлар, сўровномалар ўтказиш орқали чақалоқ савдоси юқори бўлган ҳудудларни аниқлаб, профилактик чора-тадбирларни амалга оширади;

чақалоқ савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши билан "Аёллар дафтари"га киритилган, ижтимоий ёрдамга муҳтож, ҳомилалор ва турмушинан ажрашган аёлларни қўллаб-қувватлаш чораларини кўради;

чақалоқ савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олишда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан жабр кўрган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик ёрдам беради, иш билан таъминлаш чораларини кўради;

чақалоқ савдосига қарши курашиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги чақалоқ савдосига қарши курашишда ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан бирга қўйидагиларни амалга оширади:

чақалоқ савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда иштирок этади;

чет эл давлатларига ишлаш учун кетаётган фуқаролар ўртасида чақалоқ савдосининг салбий оқибатлари туғрисида тушунириш ишларини олиб боради;

чақалоқ савдосининг салбий оқибатлари туғрисида давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширади;

чақалоқ савдосига қарши курашиш фаолиятини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

### 3-боб. Чақалоқ савдосига қарши курашиш соҳасида давлат органлари билан ҳамкорлик қилинган жамоат ташкилотлари

11. Қуйидаги жамоат ташкилотлар чақалоқ савдосига қарши курашиш соҳасида давлат органлари билан ҳамкорликни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши;

Ўзбекистон Ешлар иттифоқи Марказий Кенгаши;

“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази;

Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази Қорақалпоғистон бўлими;  
Анджон вилояти “Меҳримиз сизга” аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-  
ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази;

Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш  
ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш маркази Жиззах бўлими.

#### **4-боб. Чақалоқ савдосига қарши курашишга оид келиб тушган хабарларни кўриб чиқиш тартиби**

12. Ваколатли давлат органлари ходимлари чақалоқ савдосига қарши курашишга  
оид келиб тушган хабарларни кўриб чиқишида қуйидаги талабларга амал қилиши  
лозим:

келиб тушган хабарда кўрсатилган ҳолатлар юзасидан терговга қадар текширув  
ҳаракатларининг Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига белгиланган  
тартибда тўлиқ олиб бориши;

жиноятга оид хабарларни кўриб чиқишда, хабар берган шахсан ҳолат юзасидан  
тушунтириш олиниши ва аниқланган ҳолат ҳужжатларда бағавсил кўрсатилиши;

чақалоқ савдосига оид ҳолатлар бўйича берилган хабарларни кўриб чиқишда  
фуқаролар йиғини раиси ёки вақилининг иштирок этиши;

чақалоқ ва бола савдосига оид хабарлар зудлик билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи  
идораларга тақдим қилиниши ва зудлик билан тезкор-тергов ҳаракатлари амалга  
оширилиши;

чақалоқ савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишда давлат  
органларининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги қонунийлик, ошқоралик,  
шаффофлик, холислик, адолатчилик ва тенглик принципларига асосланган ҳолда амалга  
оширилиши.

#### **5-боб. Яқуний қондалар**

13. Мазкур Тартиб талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун  
ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.